

Бугунги кунда турли газеталарнинг саҳифаларида машҳур кишилар

20:57 / 27.04.2016 3692

Бугунги кунда турли газеталарнинг саҳифаларида машҳур кишилар билан, санъаткорлар билан учрашувлар қилиш урф бўлган. Улар эса турли мавзулардги фикрларини билдирар эканлар, гап орасида Аллоҳ лафзини айтадилар. Кейин эса бу газеталар турли нопок ерларда ётади. Бу муаммони ҳал этиш учун бирор ҳаракат борми?

Албатта Аллоҳнинг номи Қуръони карим оятлари, Пайғамбар с.а.в. нинг исми шарифлари ва шунга ўхшаган ёзувлар оёқости бўлиши, нопок жойларга тушиши, ерларда ётиши мутлақо мумкин эмас. Ва шунингдек бошқа гап-сўзлар, маълумотлар ёзилган варақлар қоғозларни ҳам нопок ерларга оёқостига ташлаш ёки ўзи кўзланган мақсаддан бошқа ҳожатларга ишлатиш мумкин эмас. Чунки буларнинг барчаси илм ҳисобланади. Ёзилган нарса ўрганиш маълумот олиш мақсадида чиқарилган бўлади, уни оёқости қилиш, ифлос ерларга ташлаш ёки бошқа мақсадларга ишлатиш маъносида бўлмайди. Шунинг учун аввало бу борада қилинадиган ишимиз тушунча бўлдиши керак. Тушунча умумий исломий фикр ҳукм шуки ёзуви илм олиш мақсадида қилинган нарсани бошқа мақсадга ишлатиш қоғоз шаклида ёзув шаклида ва бошқа бўлса мутлақо мумкин эмас, яхши эмас. Энди ана шу қоғозда, ёзувда Аллоҳнинг исми, Қуръони карим оятлари, Пайғамбар с.а.в. нинг исми шарифлари, ҳадислари ва шунга ўхшаган нарсалар бунинг демак ман қилиниши яна ҳам қуяаяди яна ҳам оғир бир ҳолатга ўтади. Шунинг учун аввало бу ишларни қилишни тийилиш, уни ман қилиш маъносида тушунтириш ишлари олиб боришимиз керак. Иккинчидан биз диний идорада газет шунга ўхшаган нарсаларни чиқарганимизда устига ёзиб қўйилар эди. Бу матбуот нарсасида Аллоҳнинг исми, Қуръон оятлари келади шунинг учун нолайиқ жойларга қўйиш, ташлашни мумкин эмаслигини эълон қиламиз деган маънода кўрсатмалар ёзиб қўйилар эди, кўзга кўринадиган жойларга. Ва шунга ўхшаган бошқа бир услубларни ҳам қўллаб маданий бўлишимиз керак. Ислом маданиятининг бир ажралмас қисми сифатида мана шу нарсага алоҳида эътибор билан қарашимиз керак бўлади.